

ОҚСИЛГА БОЙ НЎХАТ ДОНИ

Абдиев Анваржон Алмирзаевич – ҚарМИИ доценти

Шаймуродов Аброр – ҚарМИИ магистранти

Қўзибоев Азиз – ҚарМИИ талабаси

anvar7801@rambler.ru

Аннотация

Мақолада ИКАРДА халқаро ташилотидан келтирилган 49 та нўхат нав намуналари баҳоланиб, республикамизнинг тоғ олди лалмикор ерлари шароитида вегетация даври қисқа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳосилдорлиги, дон сифати ва хўжалик биологик хусусиятларига кўра FLIP03-131C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-232C, FLIP07-268C, ILC482 нав намуналари танланиб, конкурс нав синашига танлаб олинган.

Таянч сўзлар: *тоғ олди, лалмикор ерлар, нўхат навлари, ўсимликнинг бўйи, ўсиши ва ривожланиши фазалари, ўсув даври, биологик хусусият, унувчанлик, биометрик кўрсаткич, тугунак, сифат кўрсаткичи, ҳосилдорлик, дуккак, оқсил, ёғ, бегона ўт.*

Аннотация

В статье освещены вопросы оценки 49 сортов нута международной организации ИКАРДА. Из них наиболее приспособленные к условиям предгорных богарных земель республики с кратким вегетационным периодом, выделяющиеся своим плодородием, качеством зерна и хозяйственными биологическими особенностями сорта FLIP03-131C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-232C, FLIP07-268C, ILC482 выбраны для тестовых конкурсных испытаний.

Ключевые слова: *предгорье, богарные земли, сорта нута, рост растений, развитие, период роста, биологические особенности, всхожесть, биометрический показатель, клубеньки, качественные показатели, урожайность, бобы, белки, масло, сорные растения.*

Summary

The problems of estimate of 49 pea sorts of International organization IKARDA are described in the article. The most suitability of them to foothill dry-farming land of the republic with short vegetation period, distinguishing of fertility, quality of grain and biological features sorts FLIP03-131C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-232C, FLIP07-268C, ILC482 are selected for tests.

Key words: *mountainous, unirrigated soils, peas sorts, crop growing, development, growth term, biological peculiarities, sproutness, biometrical model, tubers, qualitative models, crop capacity, beans, albumen, oil, weeds.*

Нўхат ўзининг озуқабоплиги билан кўпгина дуккакли дон экинлар донидан устун бўлиб, таркибида 20,1 – 32,4% гача оқсил бўлади. Нўхат

таркибидаги аминокислоталар ўзига хос бўлиб, одам организмидаги ҳар хилдаги зарарли ва патологик омилларни бартараф этиши бўйича ажралиб туради. Нўхат донида фосфор, калий, магний элементлари, лецитин, рибофлавин (В₂ витамини), никотин ва пантатин кислотаси, холин, С витамини кўп бўлади. Нўхат дони аспарагин ва глутамин аминокислоталарига бой бўлиши инсон истеъмол фондида гўштни ўрнини босади. Шу сабабли ҳам жаҳонда етиштирилаётган нўхатнинг учдан икки қисми озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинади.

Нўхатнинг агробиологик, агроиқтисодий ва озиқ-овқат сифатидаги аҳамияти катта эканлиги, ҳаттоки қурғоқчилик минтақалари шароитида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши ички ва ташқи бозордаги нарҳининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Нўхат донининг қимматбаҳо озиқ-овқатлик ва шифобахшлик хусусиятлари, азотсиз экстрактив моддаларининг мўл бўлиши, лалмикор ерларда етиштирилганида эса дони таркибидаги оксил миқдорининг 32% ва ёғ миқдорининг 8% гача бўлиши халқ хўжалигида унга талабнинг тобора ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Нўхат ёғи асосан унинг донини муртагида бўлади

Тажрибада нўхатнинг жаҳон коллекция намуналари ҳамда ИКАРДА халқаро ташкилотидан келтирилган нав намуналари 2012-2014 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг лалмикор Қамаши бўлими тажриба далаларида олиб борилди.

Нўхат донининг нав ва нав намуналари бўйича етиштириш шароитига мос равишда сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ўзгариб бориши ҳар бир тупроқ ва иқлим шароитида ўрганилиши унинг ҳосилдорлиги билан бирга ҳосил сифатини яхшиланишига ёрдам берди.

Шу сабабли ҳам нўхат нав намуналарини ҳосилдорлиги билан бирга дон сифатини белгиловчи 1000 дон донининг вазни, дони таркибидаги оксил миқдори ўрганилди.

Назорат кучатзори намуналарининг дон сифати

№	Вариантлар	1000 дон вазни	Оксил миқдори	Намлиги
1	FLIP97-706C	348,2	15,3	7,9
2	FLIP03-124C	299,2	14,3	8,4
3	FLIP03-131C	354,9	17,6	8,1
4	FLIP05-147C	249,8	10,4	8,6
5	FLIP05-150C	272,9	11,9	8,5
6	FLIP05-170C	257,7	11,0	8,7
7	FLIP06-3C	296,6	14,3	7,7
8	FLIP06-98C	339,4	15,6	8,0
9	FLIP06-158C	329,5	15,0	8,4
10	FLIP07-1C	264,0	10,1	8,3
11	FLIP07-3C	306,6	16,2	8,2
12	FLIP07-18C	278,9	12,7	8,2
13	FLIP07-19C	277,1	11,4	8,1
14	FLIP07-36C	308,2	10,5	7,6

15	FLIP07-40C	399,8	20,0	7,9
16	FLIP07-57C	356,2	17,3	8,0
17	FLIP07-92C	286,2	13,8	8,2
18	FLIP07-98C	274,0	14,3	8,7
19	FLIP07-127C	387,0	20,0	8,2
20	FLIP07-181C	329,8	14,1	8,4
21	FLIP07-190C	313,3	15,6	8,0
22	FLIP07-232C	352,1	16,7	8,0
23	FLIP07-235C	326,1	15,7	7,8
24	FLIP07-246C	232,6	9,6	8,2
25	FLIP07-249C	301,0	16,0	8,1
26	FLIP07-251C	328,9	12,3	8,1
27	FLIP07-255C	265,3	11,2	8,2
28	FLIP07-256C	289,2	12,3	8,5
29	FLIP07-258C	314,8	15,4	8,2
30	FLIP07-265C	244,0	9,8	8,1
31	FLIP07-268C	313,6	16,6	8,7
32	FLIP07-269C	327,5	12,3	7,9
33	FLIP07-276C	309,5	15,8	8,5
34	FLIP07-282C	277,0	12,1	8,2
35	FLIP07-285C	341,0	15,1	7,8
36	FLIP07-289C	283,3	14,6	8,1
37	FLIP07-335C	300,1	13,7	8,2
38	FLIP07-338C	268,5	10,6	8,3
39	FLIP08-59C	302,2	10,6	8,4
40	FLIP08-115C	281,1	14,5	8,1
41	FLIP08-116C	322,9	14,6	7,9
42	FLIP08-137C	316,0	12,1	7,8
43	FLIP08-147C	337,1	19,1	8,1
44	FLIP08-193C	313,3	14,3	7,9
45	ILC482	351,2	17,1	8,1
46	FLIP 82-150C	321,0	18,4	8,1
47	FLIP88-85C	327,2	12,6	8,0
48	FLIP93-93C	351,6	15,8	8,2
49	Юлдуз	309,9	15,6	8,7

Нўхат ўсимлигида 1000 дона дон вазни ҳосилдорликни белгилашда муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. 1000 дона дон вазни ирсий белги бўлиб, ташқи муҳит иқлим шароитлари, касаллик ва зараркунандалар таъсирида ўзгариб туради. Стандарт навда 1000 дона дон вазни 309,9 гр ни ташкил этган бўлса, FLIP97-706C, FLIP03-131C, FLIP06-98C, FLIP06-158C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-181C, FLIP07-190C, FLIP07-232C, FLIP07-235C, FLIP07-246C, FLIP07-251C, FLIP07-258C, FLIP07-268C, FLIP07-269C, FLIP07-285C, FLIP08-116C, FLIP08-137C, FLIP08-147C, FLIP08-193C, ILC482,

FLIP 82-150C, FLIP93-93C намуналари стандарт навдан юқори бўлганлиги кузатилди. Ўрганилган нўхат намуналари 1000 дон вазни 249,8-387,0 гр оралиғида эканлиги кузатилди.

Нўхатнинг сифатини аниқлайдиган муҳим белгилардан бири бу ундаги оксил миқдоридир. Оксил миқдорининг кўп ёки кам бўлишига навнинг биологик хусусияти, етиштириш услуби ва иқлим шароитлари таъсир этади. Дон сифатининг асосий кўрсаткичлари дон шакли, катталиги, оксилнинг сифати ва миқдори кабилардир. Кўпгина олимлар томонидан ҳосилдорликни ошириш, кўпинча дон таркибидаги оксилнинг фоиз ҳисобидаги миқдорини камайишига олиб келади.

Стандарт навда оксил миқдори 15,6% ни ташкил этган бўлса, FLIP03-131C, FLIP07-3C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-232C, FLIP07-249C, FLIP07-268C, FLIP08-147C, FLIP 82-150C намуналарида оксил миқдори стандарт намунадан устун эканлиги аниқланди.

Ўрганилган нўхат намуналари донининг таркибидаги оксил миқдори 9,6-20,0 фоиз оралиғида эканлиги кузатилди.

Назорат кўчатзорида экилган 49 та нўхат нав намуналари баҳоланиб, вегетация даври, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, ҳосилдорлиги, дон сифати ва хўжалик биологик хусусиятларига кўра FLIP03-131C, FLIP07-40C, FLIP07-57C, FLIP07-127C, FLIP07-232C, FLIP07-268C, ILC482 намуналар кейинги йилда конкурс нав синаш учун танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Д.Т. Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги. // Самарқанд, 2002. 368 б.
2. Эшмирзаев К. Методические указания по проведению бонитировки богарных почв в хозяйствах Республики Узбекистан // Брашюра. – Ташкент, 1992. – 8 с.
3. Шукуруллаев П. Ш. Нўхат. – Т.; Ўзбекистон. 1982. – 47 б.
4. Балашова Н.Н. Мировые тенденции производства и потребления нута. // Зерновое культуры. – Москва, 2003. – №8. – С.5-8.